

2025-yil
26-iyul
shanba
№92
(5156)

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК ТАРАННУМИ

Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон,
Туркменистон ва Туркия касабa уюшмалари
вакиллари Тошкентда жам бўлишди.



Қувончбек ТЎРАЕВ, Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар

Ўзбекистон касабa уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида «Дўстлик» фестивали ўтказилмоқда. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу нуфузли анжуманда иштирок этиш учун келган қардош давлатлар вакиллари Тошкентнинг тарихий ва диққатга сазовор жойларини томоша қилишмоқда, Янги Ўзбекистон пойтахтининг замонавий қиёфаси билан яқиндан танишишяпти. Фестиваль дастуридан кўргазмалар, бадий жамоаларнинг чиқишлари ҳам ўрин олган.

БУГУНГИ СОНДА:



**ЖАВОБИНИ
КУТАЁТГАН
САВОЛЛАР**

3-саҳифада ўқинг...



**YANDEX
ТАКСИ:
МИЖОЗ
ҲАМИША
ҲАҚ (МИ?)**

4-саҳифада ўқинг...

БЕШ ЙИЛЛИК САРҲИСОБ: ХУЛОСАЛАР ИЖОБИЙ, КЎЗЛАНГАН МАРРАЛАР ЗАЛВОРЛИ!

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашининг IX ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, ишлаб чиқариш корхоналари касабa уюшмалари ташкилотлари раислари ва бошқалар иштирок этдилар.

Дастлаб кун тартибидagi қатор масалалар кўриб чиқилиб, вилоят кенгашининг 2021-2025 йиллардаги фаолияти таҳлил қилинди. Кенгаш раиси Сайёра Файзиеванинг маърузаси тингланди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда вилоятдаги 3 минг 263 та касабa уюшмаси ташкилоти 584 минг 134 нафар аъзони қамраб олган. Касабa уюшмасига жалб этилган янги ташкилотлар сони 2020 йилга нисбатан 986 тага, аъзолар сони эса 245 минг 615 нафарга кўпайган. Аъзолик афзалликларини тарғиб этиш натижасида 2024 йилда 100 минг нафардан ортиқ ҳодим аъзоликка жалб этилган.

2020 йилда корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг бандлари 98,5 фоизга бажарилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 99,5 фоизга етган. Давлат дастурларида белгиланган вазифалар доирасида ўтган даврда жамоа шартномалари орқали касабa уюшмалари томонидан кам таъминланган оила вакиллари, нафақа ёшига етган ҳодимлар, ногиронлиги бор шахслар ҳамда меҳнат жамоаларида банд бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ишларига 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда 2 мингга яқин меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, мавжуд вақант ўринларга 16 минг 653 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Ҳисобот даврида 5 минг 800 та корхона, ташкилот ва муассасада мониторинг ўтказилиб, 33 миллиард сўмдан зиёд иш ҳақидан қарздорлик бартараф этилди.

Ишчи-ҳодимларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, бахтсиз ҳодисалар, касб касалликлари

нинг олдини олиш юзасидан 2015 та ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, 2 мингга яқин корхона ва ташкилотда жамоатчилик назорати амалга оширилиб, қарийб икки ярим мингдан ортиқ камчилик аниқланиб, иш берувчиларга тегишли тартибда тақдимномалар киритилди. Натижада 47 минг нафардан ортиқ шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди ва ҳодимлар фойдасига 7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилишига эришилди.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш мақсадида пахта йиғим-терими мавсуми давомида шакллантирилган Миллий мониторинг гуруҳи томонидан теримчилар учун яратилган шарт-шароитлар ўрганилиб, 2000 нафардан зиёд теримчининг 3 миллиард сўмга

яқин кечиктирилган пахта пуллари тўлаб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг ташриф қоғозига айланган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, хусусан, «Аёллар дафтари» йўналишида ҳам эътироф этишга аризулик вазифалар бажарилди. Яъни «Аёллар дафтари»нинг 1-6-босқичларида жами 392 минг 302 нафар хотин-қизнинг турмуш шароити ўрганилиб, уларга тегишлилиги бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Ушбу ишларга 379 миллиард 400 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Туризмни ривожлантириш йўлида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шiori доирасида 200 нафар меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари мамлакатимиздаги диққатга сазовор масканларни зиёрат қилишди.

Спорт-соғломлаштириш ишлари касабa уюшмаларининг доимий диққат эътиборида бўлиб, тизимдаги ташкилотлар томонидан «Сапо-

■ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

матлик спартакиадаси», «Соғлом турмуш сари», «Беш ташаббус олимпиадаси», «Соғлом танда – сифатли таълим» шiori остида 6 мингга яқин спорт тадбирлари ва мусобақалар ташкил этилиб, уларда 252 мингга яқин ишчи-ҳодимнинг иштироки таъминланди.

Ҳисобот даврида жами 227 минг нафарга яқин бола соғломлаштирилди. Ушбу мақсадга ижтимоий суғурта, касабa уюшмалари, ҳўжалик органлари, ота-оналар ва ҳимийлик маблағлари ҳисобидан 90 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ота-она қаровисиз қолган болаларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, биргина 2024 йилда 1 минг 700 нафардан ортиқ ўғил-қиз тасаруфдаги оромгоҳларда дам олиб қайтишди.

Муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловларда Сайёра Файзиева вилоят кенгаши раиси, Ўткир Рашидов ва Лола Холмуминова раис ўринбосари лавозимига сайланди.

Ўтган даврда олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришдик, деб айтишга асосимиз бор, – деди Сайёра Файзиева. – Олдинда қиладиган ишларимиз бисёр, режалар кўп. Хусусан, яқин йиллар ичида вилоятдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарини касабa уюшмаларига жалб қилиш, бу орқали аъзолар сонини бир миллионга етказиш ниятидамиз. Мухтасар айтганда, меҳнаткашлар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official





Рустамбек ТУРСУНМУРОДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси,
«Дўстлик» ордени соҳиби

Маърузада янги тураржойлар раҳбар ходимларга берилётгани, касаба уюшмаси аъзоларига қабул қилиш сусти кетаётгани танқид қилинади. Касаба уюшмаси кенгаши ташкил қилиниб, аъзолари, тафтиш кенгаши аъзолари яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Сирдарё вилояти тарихи ҳақида гап кетганда, кўпчилиكنинг тасаввурига қақроқ чўл ва унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган яёдоқ ҳудуд келиши тайин. Шу ўринда таниқли адиб Чингиз Айтматовнинг Мирзачўлга келган кезлари билдирган фикрларини эслаш ўринли. «Унча хабардор бўлмаган одам Мирзачўлда қилинган ишларнинг нақадар буюклигини дабдурустан англай олмайдди, бироқ чуқурроқ мулоҳаза юритса, бу ишлар оламшумул аҳамиятга молик эканлигини эътироф этади».

Чўлини чинакам гулистонга айлантиришдек улгўвор ишларда касаба уюшмаси тизимида ишлаган фидойиларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Бу ташкилотга ўтган олтинчи йилдан ортиқ давр мобайнида Анвар Турсунбоев, Исмадиёр Жамолов, Эргаш Абдуматов, Ғуломжон Абдурахмонов, Акрам Тошматов, Бирлашхон Пирназаров, Абдурауф Абдурахмонов, Абдусаттор Муҳамедов, Носирхон Ак

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР ҚОЗОҚБЎЙ ЙЎЛДОШЕВ ҲАМ КАСАБА УЮШМАСИ ЙЎНАЛИШИДА БИР МУДАТ ИШЛАГАН. «ИЛГАРИГИ ДАВР БИЛАН ҲОЗИРГИ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ЕР БИЛАН ОСМОНЧА ФАРҚИ БОР. БУГУНГИ КАСАБА УЮШМАСИ МЕХНАТКАШЛАР СУЯНСА СУЯНГУЛИК, ЎЗ МАВҚЕИГА ЭГА НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТ», ДЕЙДИ ОЛИМИМИЗ.

ҳурмат-этиборли, тартиб-интизомли инсонлар эканлигига гувоҳ бўласиз. Ҳа, Мирзачўл кадрлар учун катта бир синов майдони эди.

— Қишлоқлардаги мактаблар ўқувчилари сентябрь ойи ўрталаридан то

янги йилгача пахта теримига жалб қилинардди, — дея хотирлайди меҳнат фахрийси Собиржон Усмонов. — Биз, 4-синф ўқувчиларини пахта теришга олиб чиқишгани эсимда.

Ушанда ўн ёш бўлганман. Тушгача дўстим Миродиқ Бекмўлатов (мендан икки ёш катта эди) икки кило, мен эса бир кило пахта терганмиз. Хирмонда бутун синф олдида бизни изза қилишганди. Еттинчи синфда ўқиётганимизда теримга кетдик. Қишлоқдаги бир одамнинг молхонасини тозалаб, полига сомон ташлаб, эшик ва деразалари ўрнига қанор тутиб, жой қилиб беришган. Кунлик норма бўйича пахта теришга мажбур эдик. Бир кун нормани бажаролмай синф раҳбаримиздан роса гап эшитдик. Овқатдан кейин бизни ой ёруғида пахта теришга олиб чиқишди. Бироздан сўнг бир қизнинг мазаси қочиб, йиқилиб қолди. Маълум бўлишича, бизни яқинда дефолиация қилинган далага олиб чиқишган экан. Бугунга келиб юртимизда пахта-ийгим теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилди. Янаям қувончлиси, сўнгги йилларда мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида ўзбек пахтасига қўйилган кўпплаб тақиқлар олиб ташланди.

Педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбўй Йўлдошев ҳам касаба уюшмаси йўналишида бир мудат ишлаган. «Илгариги давр билан

ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ БИРИНЧИ РАИСИ АНВАР ТУРСУНБОВ ҲАҚИДА ЯХШИ ХОТИРАЛАР БОР. 1922 ЙИЛ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТУГИЛГАН, ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТУГАТГАН МУХАНДИС ЙЎЛЛАНМА БИЛАН 1-БОЁВУТ СОВХОЗИГА ИШГА ЖЎНАТИЛАДИ. ИККИНЧИ ҲАЖОН УРУШИДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАН, ҒАЙРАТЛИ БУ КАБИ ЙИГИТЛАР ҚЎРИҚ ВОҲАГА ЖУДА КЕРАК ЭДИ.

маслиги янада мустаҳкамланди.

Сирдарё касаба уюшмаси тизими тарихида мўътабар номлар жуда кўп. Анатолий Тен, Венера Тиловбердиева, Борис Тен, Толгат Урмеев, Аҳад Тўйчиев, Мирзатой Есентаев, Валентина Будникова, С.Бабаҳўжаева, Абдуқодир Асқаров, Маърифат Маманова, Барчиной Каттабекова, Салтанат Исмоилова, Кўчим Болтаев... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Биз 120 йиллик байрамимиз муносабати билан соҳа фидойилари ҳақида рисола тайёрляпмиз. Унда касаба уюшмаларига меҳнати сингган ходимлар ҳақида баҳоли қудрат ҳисоб қилинади. Зеро, чўл ўрнида бўстон яратганлар сафида касаба уюшмалари вакилларининг ҳам муносиб ўрни бор.

Ургут тумани деганда, кўз олдимизга унинг яшилликка бурканган сўлим тоғлари, баҳаво табиати, мард, танти ва тadbirkor одамлари, минглаб ишлаб чиқариш корхоналари келади. Менинг болалигим ушбу гўзал масканининг Кенгас маҳалласида ўтган. У ерда самимий, меҳр-оқибатли инсонлар яшайди. 3 ой ёзги таътилни қариндошларимизникида ўтказардим. Шу сабабли ургутликларнинг туриш-турмуши, феъл-атвори, маданияти ва инсонийлик фазилатлари менга яхши таниш. Касбим туфайли ҳозир ҳам кўп вақтимни Ургутда ўтказаяман. Боиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Аёллар дафтери» йўналишида амалий ёрдам кўрсатиш учун масъул этиб тайинландим.

2017 йилнинг ёз кунларидан бирида узоқ йиллар Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ургут тумани бўлими кенгаши раиси вазифасида ишлаган Мадина Баротова хонамга уч нафар шахсни бошлаб келди. Улар кенгаш раиси вазифасига захира номзод сифатида тавсия этилаётганини билдирди. Йигитлар билан анча сўхбатлашдик. Уларнинг орасидан энг ёши Ғайрат Жамолов ўзининг мулоҳазакорлиги ва ҳозиржавоблиги билан эътиборимни тортди. Кейинчалик уларнинг захира кадрлар мактабида ўқишларини ташкил этдик.

2020 йилги пандемия кўп юртдошларимиз қатори Мадина Баротовани ҳам ҳаётдан олиб кетди. Уша йили бўлиб ўтган сайловда Ғайрат Жамолов кенгаш раислигига кўпчилик овоз билан сайланди. Ғ.Жамолов меҳнат фаолиятини 1994 йилда «Оққўрғон» ширкат хўжалигида бошлаган. Мактаб, педагогика ва спорт коллежида ўқи

УСТОЗИГА МУНОСИБ ШОГИРДЛАР КЎПАЙСИН!



тувчи, услубий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган. Шунингдек, туман халқ таълими бўлимида ва ҳокимликда турли лавозимларда ишлаган.

У туман бўлими Кенгаш раиси вазифасини бажарган кезларда касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси даражаси яхшилангани, аъзолар ва уларнинг фарзандлари санаторийлар ва оромгоҳларда

лиши, ногиронлиги бўлган ҳамда бемор ётган ходимлар, меҳнат фахрийларининг ижтимоий ҳимоясига эътибор ва ёрдамлар бир неча бараварга ошгани натижасида аъзоликка олинган ташкилотлар сони 2020 йилга нисбатан 37 тага, аъзолар сони эса 2255 нафарга етди.

Туманда таълим муассасаларига ишлаб келаётган мусиқа фани ўқитувчилари ўртасида «Устозлар жонли ижрода» мавзусида, тасвирий санъат фани ўқитувчилари ўр

тасида «Касаба уюшмалари менинг тасаввуримда» мавзусида амалий ишлар танловларини ўтказиш, 11 ноябрь — Касаба уюшмалари куни муносабати билан ўқувчилари олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори натижага эришган ўқитувчилар учун «Касбдошлар ифтихори» кубогини топшириш янги ташаббус сифатида киритилди.

Ғайрат Жамолов бошчилигида тумандаги касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари турли

кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Жумладан, 2025 йилда «Касаба уюшмалари: Кеча, бугун ва эртага» мавзусидаги эсселар танловида 151-мактаб касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти раиси Улғубек Хуррамов вилоят босқичида 1-ўринни, «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш» кўрик-танловининг вилоят босқичида 3-мактаб «Энг яхши ташкилот» йўналишида фахрли ўринни эгаллади.

Етакиннинг таълим муассасаларидаги касаба уюшмаси аъзолари билан олиб бораётган ишлари Мактабгача ва мактаб таълими ваазирлиги эътиборига тушди ҳамда унинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги» кўрак нишони ёнига «Халқ таълими аълочиси» кўрак нишони ҳам қўшилди.

Жамоат ишларидаги фаоллиги, халқ билан яқиндан иш олиб бораётгани инобатга олиниб, Ғайрат Жамоловнинг номзоди 2024 йилда бўлиб ўтган сайловларда Халқ демократик партияси томонидан туман Кенгаш депутатлигига кўрсатилди. Вакилимиз халқнинг ишончидан эканлигини исботлади ва депутат бўлди. Жорий йилнинг май ойида кенгаш раислиги учун бўлиб ўтган сайловда у яна бир бор жамоатчилик имтиҳонидан ўтиб, вазифасига қайта сайланди.

Бизнинг истагимиз — ҳар бир касб эгаси Мадина Баротова сингари ўзидан яхши шогирдлар қолдирсин, ўз навабатида, улар ҳам устозларининг эзгу ишларини давом эттирсинлар.

Ифтихор РАҲИМОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашичине Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

■ ФАОЛИЯТ

БУНДАН БЕШ ЙИЛ АВВАЛ ТАШКИЛ ТОПГАН СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МАДАНИЯТ, СПОРТ ВА ТУРИЗМ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ БИРЛАШГАН ҚЎМИТАСИ ДАСТЛАБ 78 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТГА ЭГА БЎЛИБ, УЛАРГА 3675 НАФАР АЪЗО БИРЛАШГАН ЭДИ. ОЛИБ БОРИЛГАН ТУШУНТИРИШ ҲАМДА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ НАТИЖАСИДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР СОНИ ЎТган ДАВРДА 149 ТАГА, АЪЗОЛАР СОНИ ЭСА 5970 НАФАРГА ЕТКАЗИЛДИ.

ҲАҚ ЙЎЛИДАГИ ФАОЛИЯТ САМАРАСИ

Таъкидлаш жоизки, бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси қошида бешта доимий фаолият юритувчи комиссия тузилган. Улар қўмита йиғилишларида қўрилиши керак бўлган масалалар бўйича ҳар чоракда меҳнат жамоаларида ўрганишлар ўтказиб, маълумотларни бирлашган қўмитага тақдим қилишади. Шунга кўра, ишлаб чиқариш жараёнларида аниқланган камчиликлар бартараф этилиши бўйича масъул ходимларга 30 та кўрсатма ва раҳбар-ҳодимларга 12 та тақдимнома берилиб, уларнинг бажарилиши назоратга олинди.

Жамоа шартномаларида ҳар бир аъзога белгиланган тадбирлар учун қарийб 3 млн. 860 минг сўм маблағ сарф қилинди. Хусусан, ҳисобот даврида 51 нафар нафақа ёшидаги шахсга пенсияга чиқишдан олдин 29,5 млн. сўм, 56 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан 42,3 млн. сўм, 18 нафар пенсионер (ташкilotларнинг собиқ ходимлари)га 10,4 млн. сўм маблағ берилди. Ногиронлиги бўлган 32 нафар шахсга моддий кўмак учун 18,7 млн. сўм маб-

лағ йўналтирилди. Шунингдек, 11 нафар бола парварлишидаги ёш онага 5,8 млн. сўм, 291 нафар эҳтиёжманд оила вакилларига 150,1 млн. сўм миқдорда ёрдам кўрсатилди. 192 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари Федерация тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилди.

Эътиборлиси, 236 нафар соҳа ходимининг фарзандлари оромгоҳларда дам олидирилди. Шунингдек, 976 нафар ходимнинг респуббликамизнинг тарихий шаҳарлари ва ўз худудидаги диққатга сазовор жойларга саёҳати уюштирилди.

Ўтган йилларда тизимдаги ташкилот ва муассасалар ходимларидан 11 та ёзма ва 34 та оғзаки мурожаат келиб тушган. Уларнинг барчаси қонунда белгиланган тартибда қўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

Абдуғаффор БЎРИЕВ,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти бирлашган қўмитаси масъул ташкилотчиси

■ ЭЪТИБОР



■ ҲУҚУҚ

Мадина Юсупова Фарғона шаҳри тиббиёт бирлашмасининг 1-Терапия бўлимида кичик тиббий ходим лавозимида фаолият юритаётгани. Қўтилмаганда иш берувчи уни вазифасидан бўшатишни истаб қолди ва мажбурий тартибда ариза ёздирди. Шу тариқа ўзаро тузилган шартнома гўёки тарафлар келишувига кўра, яъни Меҳнат кодексининг 157-моддасига биноан бекор қилинди.

БҲЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Аммо М.Юсупова адолатсизликка жимгина кўз юмиб кетолмади — ҳақ-ҳуқуқини тиклашда ёрдам сўраб, касаба уюшмаларига мурожаат қилди. Шу асосда фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво-ариза киритдик. Суд иш берувчининг ноқонуний хатти-ҳаракатига муносиб баҳо берди.

Пировардида М.Юсупова ўз лавозимига тикланадиган ҳамда мажбурий бекор юрган кунлари учун иш берувчидан унинг фойдасига 10 миллион сўмга яқин маънавий зарар ундириладиган бўлди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош юристконсулти

«Худудгазтаъминот» АЖга

ҚОҒОЗДА БОР, АМАЛДА ЭСА...



Шу йилнинг февраль ойида my.gov.uz сайти орқали хонадонимизга газ ҳисоблагич ўрнатиб беришларини сўраб, беш марта ариза қолдирдим. Орадан беш ой ўтиб, яъни 15 июль куни Янгихаёт тумани газ таъминотидан қўнғироқ қилишди. Масъулнинг айтишича, газ ҳисоблагични ўз ёнимдан ўрнатишим керак экан. Бепулини узоқ вақт кутишимга тўғри келаркан.

Аслида икки йилдан буён шу муаммони ҳал этиш учун курашиб келяпман, аммо ҳали-ҳамон ҳеч қандай натижа йўқ. Тегишли норматив ҳужжатларда аҳоли хонадонларига газ ва электр ҳисоблагичлар ҳудудий электр ва газ таъминоти идоралари ҳисобидан ўрнатилиши белгиланган. Ёки фақат қоғозда шундайми? Нима учун унга ўз ёнимдан чиқим қилишим керак? Саволларимга «Худудгазтаъминот» АЖ раҳбарларидан жавоб кутиб қоламман.

Нодирахон ИБРАГИМОВА,
Тошкент шаҳри,
Янгихаёт тумани

Навоий шаҳар ҳокимлигига!



«AQUA PARK»КА ҚАЧОН ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ?

Бир пайтлар Навоий шаҳридаги «Aqua Park» одамларнинг сеvimли дам олиш масканларидан бири эди. Масалан, 2013 йилда бу жойга келувчилар сони кунига ўртача минг нафарни ташкил этган. Бугун эса «Aqua Park»нинг абгор аҳолига ичингиз ачийди. Иншоотлар нураб кетган, ҳавзалар қуриб-қақшаб ётибди. Қурилмалар яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Ҳеч шубҳа йўқки, бунга масъулларнинг эътиборсизлиги ва бепарволиги сабаб бўлган.

Дам олиш маданияти тобора равнақ топиб бораётган ҳудудда мана шундай йирик объект ўз ҳолига ташлаб қўйилиши нафақат шаҳар архитектурасига, балки ижтимоий муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Аҳоли эса «Aqua Park» яна аввалги ҳолига қайтишидан умидвор. Аммо афсуски, ҳозирча уларнинг истаги амалга ошмаяпти. Хўш ушбу боғнинг тақдири нега ҳалигача ҳал этилмаяпти?

У ерда яна одамлар гавжум бўлиб, болаларнинг қувноқ кулгуси янграши учун аниқ режа ва чора-тадбирлар белгиланганими? Ёки мазкур ҳудуднинг ташландиқ ҳолда қолиши кимнингдир манфаатига хизмат қиладими?

Умид ХУДОЙҚУЛОВ

Навоий вилояти

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига!

ЗАҲАРЛИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАР САВДОСИ ҚАЧОН НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ?

Пестицидлар (лат. pestis – мараз, caedo – ўлдираман), заҳарли кимёвий моддалар – ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари, бегона ўтлар, шунингдек, ёғоч, пахта толеси маҳсулотлари, жун, тери зараркунандалари, уй ҳайвонларида хавфли касаллик қўзғатувчи ҳашаротларга қарши курашишда фойдаланиладиган кимёвий моддалар ҳисобланади.

Агар улардан эҳтиётсизлик билан фойдаланилса, нафақат атроф-муҳитга, балки озиқ-овқат орқали инсон саломатлигига ҳам жиддий зиён етиши, ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин.

Бахтга қарши, бугун заҳарли кимёвий дорилардан пахта майдонлари, иссиқхоналар ҳамда томорқаларда ҳар ким ўзи билганича дозасини ошириб, ўзбошимчалик билан фойдаланмоқда. Керагидан ортиқ дориланган маҳсулот эса инсон саломатлигига жиддий хавф туғдиради. Хусусан, қон айланиш тизимига сингиб, саратон, ўпка, юрак хасталикларига олиб келади.

Яна ҳам ачинарлиси, қишлоқ жойларида, туман марказларида ва аҳоли зич ҳудудларда мана шундай заҳарли кимёвий дорилар билан савдо қилаётган «тадбиркорлар» ҳар қадамда учраяпти.

Хўш, уларнинг «фаолияти» атрофдагилар ҳаётига хавф солаётганини эслатиб қўядиган ва назорат қиладиган мутасаддилар борми? Бор бўлса, заҳарли кимёвий дорилар савдоси нима учун тартибга солинмаяпти?

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



Ўзбекистон автомобиль йўллари қўмитасига!

ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИ БАЖАРИЛАДИМИ, ЙЎҚМИ?

2024 йилнинг 3 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини янада кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ва соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар билан мулоқот бўлиб ўтган эди.

Унда Шавкат Мирзиёев Чироқчи – Шўркудук автомобиль йўлининг 30 километри таъмирланиши, натижада Самарқанддан Шаҳрисабзга қатнов вақти қисқариши ҳақида хабар берганди. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 декабрда қабул қилинган «Ғелон» туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 9-бандида шу кўрсатма қиритилиб, мустаҳкамлаб қўйилди. Лекин орадан шунча вақт ўтишига қарамай, Чироқчи – Шўркудук автомобиль йўлида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлангани йўқ.

Хўш, ушбу лойиҳа учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул ажратганими? Президент топшириғи ва қарори ижроси бажарилмай келаётганини Ўзбекистон автомобиль йўллари қўмитаси қандай изоҳлайди?

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Фарғона вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасига!

Экологик ҳолат тобора ёмонлашаётган бир пайтда ҳануз дарахт танасига болта ураётган номардлар топиляпти.

БЕПАРВОРЛИКМИ ЁКИ БЕПИСАНДЛИК?

Хусусан, Фарғона шаҳрининг қоқ марказида дарахтлар қурилишлар қурбонига айланмоқда. Масалан, айни кунларда Сайилгоҳ ва ал-Фарғоний кўчаси туташган ҳудудда қурилиш ишлари кетмоқда. Унинг чор-атрофида бирорта ҳам қуриган дарахтга кўзингиз тушмайди. Атрофи ўраб олинган қурилиш майдонида эса дарахтлар қуримоқда. Балки улар сунъий равишда қуриштирилганми?

Мазкур ҳолатдан Фарғона вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг хабари йўқлигига ишониш қийин. Бу ҳолатга бошқармадан жўяли жавоб кутамиз.

Нуржаҳон РАШИДОВА

Фарғона шаҳри

Қишлоқ хўжалиги ҳамда Сув хўжалиги вазирликларига!

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ФАҚАТ КАТТА ФЕРМЕРЛАР УЧУНМИ?

Мамлакатимизда сув танқислиги тобора кучайиб бормоқда. Бунинг сабаблари ҳаммамизга маълум.

Ҳукумат бунинг олдини олиш учун томчилатиб суғориш, спринклер тизимлари, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, махсус ускуналар учун имтиёзли кредитлар ажратиш каби зарур чораларни ишлаб чиқаяпти.

Аммо ажратилаётган кредит ва лизинглар арзимас ерга эга деҳқонларга у қадар наф келтирмаяпти. Бу фақат йирик фермер хўжалиқларига қўл келяпти, наза-римизда.

Масалан, бир гектар ерга томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш учун ўртача 15-20 миллион сўм атрофида маблағ керак. 10-15 сотих ери бор деҳқонга бу маблағ кўплик қилади.

Иккинчидан, деҳқонларнинг аксарияти янги технологиядан яхши хабардор эмас. Айниқса, кичик фермерлар ва деҳқонлар унинг афзалликлари, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва фильтрлаш жараёнларини тулиқ билишмайди.

Учинчидан, томчилатиб суғориш тизимлари ҳар қандай тупроқ ва ҳосилга мос келавермайди. Бунинг учун малакали агроном маслаҳати зарур. Ҳар ҳолда, сувни тежаш фақат технология эмас, бошқарув масаласи ҳамдир.


Шундай экан, қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари сув тежовчи технологиялар учун берилмаётган кредит ва лизинглар қўли калтароқ деҳқонлар, кичик ер эгаларига ҳам бирдек наф келтириши учун қандай чоралар кўряпти? Масъуллар бу тизимдан фақат йирик фермерлар эмас, балки оддий аҳоли қатлами ҳам фойдаланиши учун субсидия ёки грант дастурлари жорий қилиш ҳақида бош қотириб кўрганми?

Дилдора ИБРОҲИМОВА

Бухоро вилояти



Танишим билан бир жойга борадиган бўлиб, унинг уйи яқинида кўришдик. Сўнгра «Yandex» иловаси орқали такси чақирдик. Кутилмаганда дугонамнинг уйидан кўнғироқ бўлиб, бирровга кириб чиқадиغان бўлди. Мендан буюртмани бекор қилишни сўради. Бахтга қарши такси ҳам деярли етиб келганди. Минг хижолат билан таксини бекор қилдим. Ҳа, бугун такси керак бўлса, куннинг исталган вақтида чақириш имконияти бор. «My Taxi», «Yandex Go», «Uklon», «Online Taxi.uz» каби иловалар жонингизга ора қиради. Бу хизматлар ҳатто олис ва чекка қишлоғу овулларда ҳам йўлга қўйилган. Такси хизматлари орасида энг ривожлангани «Yandex» бўлиб, мазкур тизим маҳаллий таксо-парклар ҳамда диспетчерлик марказлари орқали ишлайди. Тез ва хавфсиз хизмат учун юқори рейтингли ҳайдовчиларга афзаллик берилади. Қисқаси, бу фаолият туридан ҳайдовчи ҳам, мижоз ҳам бирдек манфаатдор. Аммо тизимда баъзи бир оғрикли нуқталар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда ҳайдовчи ва мижозларнинг ўзидан эшитсак.



Улуғбек ТЎРАБОЕВ, ҳайдовчи (Тошкент вилояти):
– Вилоятда яшайман, аммо иш жойим пойтахтда. Кунлик ёнлғи ва машинанинг баъзи харажатларини қоплашим керак, шунинг учун ҳар кун ишдан чиқиб, 2-3 соат «Yandex» иловаси орқали таксичилик қиламан. Мижозлар орасида манзилга энди етиб борганингизда буюртмани бекор қилиб юбарадиганлари ҳам бор. Сабрсизлиги тўғрисида ҳатто 5 дақиқа кутишни исташмайди. Фаолиятим мобайнида бир кунда 4-5 марта буюртма бекор қилинган ҳолатлар ҳам бўлган. Шундай кезларда тирбандликлардан ўтиб, вақт, ёнлғи сарфлаб, чақирилган жойга борганинга ачинасан, киши.
Назаримда, ҳайдовчилар учун ҳам қандайдир қулайлик яратиш жоиз. Қаранг, етиб борганингизда мижоз чақирувни бекор қилиб юбориши адолатдан эмас. Масалан, иловада буюртмани бекор қилиш сабабларини баён этиш банди бор. Аммо уни ҳеч ким тўлдирмайди. Бир сўз билан

айтганда, илова фақат мижоз манфаати учун хизмат қилади. Шу ҳолатларни ўйлаб кўриш ва уларга ечим топиш зарур.
Жавоҳир ЭРГАШЕВ, ҳайдовчи (Тошкент шаҳри):
– Мен ҳам баъзи-баъзида «Yandex» иловаси орқали киракашлик билан шуғулланаман. Очиги, айрим мижозларнинг халти-ҳаракати асабимни тамом қиялпти. Шундоқ ҳам йўлларда тирбандликлар кўп. Вақтида етиб бормаслигимизнинг асосий сабаби ҳам шу аслида. Айрим пайтларда харита тўғри ишламайди, манзилни аниқ кўрсатмайди. Оқибатда умуман бошқа ёки боши берк кўчага кириб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Мана шундай ҳолатда буюртмани бекор қилиш устимиздан бир чалак совуқ сув куйиб юбориш билан баробар. Мижоз чақирувни бекор қиялптими, ҳеч бўлмаса, зарарнинг маълум қисmini қоплаши лозим. Ҳозирча бизда бундай норма мавжуд эмас.
Яна бир ҳолат. Мижозлар орасида ҳайдовчига худди ўз хизматкоридек муомала

қиладиганлари ҳам бор. Ўз ҳақ-ҳуқуқингизни талаб қилсангиз, илова орқали шикоят қилишади. Бу ҳайдовчиларга катта зарар. Фикримча, мана шу масалаларга ҳам ижобий ечим излаш даркор.
Обид РАҲМОНОВ, ҳайдовчи (Тошкент шаҳри):
– Россияда 3 йил «Yandex такси» ҳайдаганман. У ерда мижоз буюртмани сабабсиз бекор қилса, унинг иловага уланган пластик картасидан жарима ечиблинади. Ушбу амалиёт бизда ҳам қўлланилса, кўп муаммоларнинг олди олинган бўларди.
Отабек ИСРОИЛОВ, мижоз (Тошкент вилояти):
– Илова орқали такси чақирганимда ҳайдовчи бошқа томонга йўналиб кетган ёки бир жойда 10 дақиқача туриб қолган вақтлари кўп кузатишган. Бир сафар буюртма қилиб, кутишга сабрим чидамай, бекор қилиб юбордин. Кейин яна бошқатдан буюртма бердим. Аммо бу

гал биров қиммат нарх чиқди ва аввалгидан ҳам узокроқ муддатда келиши кўрсатилди. Жаҳл билан яна бекор қилдим. Бошқасини чақирдим. Шуну 7-8 марта такрорлайвердим, охир-оқибат мени блокляб қўйишди. Уч кунгача хизматдан фойдаланолмай юрдим. Яхшиямки, ҳозир ундай эмас – рақобат бор. Ҳадеб мижоздан нолийверадиган ҳайдовчилардан масаланинг шу тарафларини инобатга олишларини сўрадим.
Аслида бу бир муҳокама билан ижобий ечим топмайди-ган анча баҳсли муаммо. Ҳар икки тараф бир-бирини айблашидан эса ҳеч қандай наф йўқ. Шундай экан, бу борада ҳам ҳайдовчига, ҳам йўловчига бирдек маъқул келади-ган олтин ўрналиқни топиш лозим.
Нигора РАҲИМЖОНОВА

БЕТМЕН ВА ЖОКЕРГА ТАЛПИНАЁТГАН БОЛАЛАР: УЛАРДАН НИМА КУТАМИЗ?

Болалигимда катта энамдан «Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан. Бўри баковул экан, тулки ясовул экан. Қарга қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан», дея бошланадиган эртани кўп ва ҳўп эшитганман. Ҳар сафар уни худди биринчи марта тинглаётгандек, жон қулоғим билан эшитардим. Айниқса, энамнинг айтиш услуби, оҳанги мени мўъжизавий оламга олиб кирарди.



Ҳа, у даврларнинг гашти, завқи ўзгача эди. Аттанг, ҳозирги болалар бундан бебаҳра. Аксарияти умуман эртак нималигини ҳам билмаса керак... Телефон, планшет уларнинг асосий овуночига айланган. Оқибатда дилбандларимиз ажнабий қахрамонларга ҳавас ва тақлид қилиб улғаймоқда.
«КАТТА БЎЛСАМ, «ЎРГИМЧАК ОДАМ» БЎЛАМАН!»
Бир кун автобусда 6 ёшли болакайнинг ҳаракатлари эътиборимни тортди. Ўзини худди «Ўргимчак одам»дек тутарди. Мендан бошқа ҳеч ким унга ортиқча эътибор бермасди. Ҳатто онасининг ҳам парвои фалак. Болакайни сўроққа тутдим, у эса ғурур билан «Катта бўлсам, «Ўргимчак одам» бўламан!» деди.
Аслида бу фожиа. Тасаввур қила-яписи, минглаб болалар онгини гарбнинг тўқима қахрамонлари эгаллаб олган. Афсуски, шу пайтгача «Алпомишга, Широққа, Жалолитдин Мангубердига ўхшагим келади», деган ўғлонни учратмадим. Борди-ю сизнинг фарзандингиз ёки набиранингиз

миллий қахрамонларимиздек бўлиш истаги билан улғаяётган бўлса, табригимни қабул қилинг. Сизга жуда хавасдаман.
Ёш авлодни китобхон бўлишига кўп даъват қиламиз, бонг урамиз. Аммо ўз фарзандимиз билан ишимиз йўқ. Гуёки уни моддий таъминлаб қўйсак, кифоядек. Шу боис тўрт сўмини ўн сўм қилиш илжинида елиб-юграмиз. Чойхона, гап, улфатчиликдан бери келмаймиз. Бошқалар учун истаганча вақт топамиз, енгил-елпи ҳўо хаваслар ортинда ўпкамизни қўлтиқлаб чопамиз. Аммо уйимизда Бетмен, Жокерлар вояга ётаётгани билан ишимиз йўқ.
«ДАДАМ УЙДА ЙЎҚ, ДЕГИН»
«Калила ва Димна» асарига уч минг йил аввалги бир хавотир келтирилади: «Ёшлар тарбияси айниб кетди, бу кетишда дунё ҳадемай бузилиб кетади...». Буюк Геродот Миср эҳромларидаги ёзувларни ўқиб, уларни келажақ авлодларга қолдириб кетган: «Ёшлар бузилиб кетди. Нима қилиш керак?».
Қарс икки кўлдан чиқади. Демак, болага тўғри тарбия бериш ҳам, уни йўлдан озди-

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

риш ҳам ўзимизнинг қўлимизда. Аслида биз катталар уларга қуруқ панд-насиҳат бериш ўрнига кўпроқ ўрнак бўлганимиз маъқул. Зеро, қуш уясида кўрганини қилади. Шундай экан, ҳар бир ҳаракатимизга, сўзимизга жиддий эътибор беришимиз керак. Айниқса, уларни ҳар қандай ҳолатда ёлғондан узоқ туттиш зарур. «Дадам уйда йўқ, дегин», «Дадам ухляпти, деб айт», каби алдовларнинг таъмини тоттирмаслигимиз жоиз.
Тасаввур қилинг, агар бола вояга етгунга қадар мана шундай ёлғонлар орасида улғайса, эртага у жамият учун катта хавфга айланади. Ватан учун муносиб шахсни тарбиялаб, камолга етказиш асосий мақсадимиз бўлиши шарт.
Яна бир гап. Ота ёки она богчадан ҳар кун кечқурун фарзандларини олиб келади. Йўл-йўлакай ўғли ёки қизидан кун давомида нима овқат еганини сўрайди. Камдан-кам ота-оналаргина болалари бугун қандай шеър ёдлагани, бошқа болалар билан уршмагани, ўзини яхши тутгани билан қизиқади. Ҳа, дўппини бошдан олиб қўйиб ўйлайдиган вақт келди, менимча.
Вақт жуда тез ўтапти. Эртага бугунни топиб бўлмайди. Хаш-паш дегунча фарзандимизнинг бўйи чўзилиб, бизга тенглашиб қолади. Шунинг учун ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш зарур. Болаларимиз масъулиятли ва ватанпарвар бўлиб улғайишида эса миллий эртакларнинг аҳамияти жуда катта.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Наргиз Бойхонова ижросида

«СЕН БЎЛМАСАНГ ЁНИМДА»

қўшиғи

Бог сайрига бормасман,
Сен бўлмасанг ёнимда.
Гулзор аро юрмасман,
Сен бўлмасанг ёнимда.

MUASSIS:  O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi ISSN 2010-5000 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.	«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarі tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOV , Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbосari), Mehridin SHUKUYOV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.	Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70 To'shkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93	Navbatchi muharrir: Gulnurbegim ODASHBOYEVA Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Bosishga topshirish vaqti – 00:20 Topshirildi – 00:40 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch 1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	Umumiy adadi 32 083 ta Shundan: 6 086 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda; 18 116 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 811 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-711 1 2 3 4 5 6
---	--	--	--	---	--